# SHARQ MASH'ALI

Toshkent davlat sharqshunoslik instituti
ilmiy-uslubiy, ma'rifiy jurnali

1/2015

ЖС: 2015/1
Шарқ машъали

*Илмий-услубий, маърифий журнал.*

*Таъсисчи:*
*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги*
*Тошкент давлат шарқшунослик институти*
*1992 йилдан чиқа бошлаган*
Журнал Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси рўйхатидан қайта ўтган (№ 02-0055 26 сентябрь 2014 йил)

Бош муҳаррир:
**А. МАННОНОВ** (проф., ф.ф.д.)

**Таҳрир ҳайъати:**
**Г. РИХСИЕВА** (доц., ф.ф.н.)
(бош муҳаррир ўринбосари)
**Қ. СОДИҚОВ** (проф., ф.ф.д.)
(масъул котиб)
**С. ҲАСАНОВ** (проф., ф.ф.д.)
**А. ҚУРОНБЕКОВ** (проф., ф.ф.д.)
**Б. АБДУҲАЛИМОВ** (т.ф.д.)
**А. ДОНИЁРОВ** (проф., т.ф.д.)
**Н. КАРИМОВА** (проф., т.ф.д.)
**У. ИДИРОВ** (с.ф.д.)
**А. ҲАБИБУЛЛАЕВ** (доц., ф.ф.н.)
**М. АБДУРАҲМОНОВА** (доц., ф.ф.н.)
**У. МУҲИБОВА** (доц., ф.ф.н.)
**Б. ОБИДОВ** (доц., т.ф.н.)
**В. КИМ** (доц., с.ф.н.)
**Д. ПЎЛАТОВА** (доц., фал.ф.н.)
**Б. САДИБЕКОВА** (доц., и.ф.н.)
**Ш. ЭРМАМАТОВ** (доц., и.ф.н.)

**Журнал Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан филология ва тарих йўналиши бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.**

TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK INSTITUTI KUTUBXONASI №

# SHARQ MASH'ALI

***ISSN 2010-9709***

## МУНДАРИЖА №1 (48) 2015 йил

***Маҳмуд Замахшарий таваллудининг 940 йиллигига***

***Муҳамедов Н.*** Маҳмуд Замахшарий илмий меросини ўрганиш масалалари……3
***Исломов З.*** Маҳмуд Замахшарийнинг "Муқаддамату-л-адаб" асарида туркий тил полисемияси……5
***Носирова М.*** Араб луғатшунослиги мактаблари тарихида Маҳмуд Замахшарийнинг роли ва ўрни……11
***Мирзиятов Ш.*** "Муқаддамату-л-адаб" асаридаги туркий сўзликнинг график хусусиятлари……15
***Қосимова С.*** Паузал шаклнинг фонологик хусусиятлари……17
***Сулаймонова Н., Сулаймонова К.*** Маҳмуд Замахшарийнинг "Асосу-л-балоға" асарида фразеологизмлар……21
***Якубова Ф.*** Маҳмуд Замахшарий ва Аҳмад Майдоний……25
***Аҳмедова Р.*** Маҳмуд Замахшарий ва унинг "Ҳаракот" ("Тасрифу-л-асма") рисоласи ……29

***Шарқ тиллари сирлари***

***Қуронбеков А.*** Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" асаридаги арабий ўзлашмалар……34
***Содиқов Қ.*** Билга Хоқон ёрлиғининг унвони ва туркий ҳужжатчилик тарихида анъана масаласи……37
***Иномхўжаев Р.*** Афғонистондаги этнолингвистик вазият ва тил сиёсати……41
***Алимова Х.*** Дарий тилидаги аффиксал омонимик қаторлар……45
***Мажитова С.*** Жомий ғазалларида "дил"нинг мажозий маънолари……50
***Розиқова Г.*** Алишер Навоий асарларида қўлланган озиқ-овқат номларини ифодаловчи лексемалар парадигмаси……53
***Бегимов О.*** Форс-тожикча луғавий бирликлардан шаклланган оронимлар……58

тўғри ўқиш учун фонетик қоидалар ҳам берилган. Бу билан аллома биринчилардан бўлиб луғатлардаги фонологик тадқиқотларни бошлаб берган. "Ал-Фоиқ фи ғарибил-ҳадис" луғатининг ўзига хослиги шундаки, унда сўз маъноларини очишда, этимологиясини тушунтиришда синтактик таҳлилдан фойдаланилган. Бу эса биз ҳозирги кунда олиб бораётган луғатлардаги грамматик тадқиқотларга замин яратган.

Маҳмуд Замахшарий ўзининг "Асосу-л-балоғати" асари билан араб луғатнавислигини бир неча поғона юқори кўтарган. Замахшарий илк маротаба луғатдаги сўз таркибига ундан фойдаланишни осонлаштирадиган янгилик киритган. У сўзларни, биринчи навбатда, 1-ҳарфини ва ундан кейинги ҳарфларни ҳам назарга олган ҳолда уларни алифбо тартибида беради. Бу билан Маҳмуд Замахшарий араб луғатшунослигининг янги, 4-мактабига асос солади. Унинг бу усули сал ўзгарган шаклда ҳозирги замон лексикографиясида ҳануз қўлланилмоқда[1].

Маҳмуд Замахшарийнинг "Асосу-л-балоға" луғати нафақат аллома ижодида, балки бутун араб луғатнавислиги тарихида муҳим ўрин тутади. Бу луғатда сўзлар айрим ҳолда эмас, балки иборалар ва жумлалар ичида берилиб, сўзларнинг кўп маъноли хусусиятлари, яъни полисимия ҳодисасини кўрсатиб берган; омонимия ҳодисасига алоҳида эътибор қаратган; сўзларнинг ҳақиқий ва кўчма маъноларини ҳам алоҳида мисоллар билан тушунтирган. Маълум полисемантик сўзнинг маъно структурасини таркиб топтирувчи лексик маънолар миқдори билан унинг луғат мақоласида қайд этилган маънолари миқдори тенг келиши ҳам шарт эмас. Чунки луғат мақоласида сўзнинг лексик маънолари қаторига бошқа маънолари ҳам санаб, қўшиб кетишни луғатчилик инкор этмайди.

Шунингдек, мазкур луғатда Маҳмуд Замахшарий араб ибораларининг берилиши, яъни фразеологизмларни тушунтириш, изоҳлаш билан араб анъанавий луғатнавислик тарихида янги бурилиш ясаган, мукаммал фан даражасига олиб чиққан. Араб луғатнавислиги тарихига назар ташланадиган бўлса, бундай луғат Замахшарийгача ва ундан кейин ҳам яратилган эмас. Бунинг боиси унинг араб тилшунослигидаги назарий билимлари жуда юқори бўлганлигидир. Чунки яхши луғат тузиш учун фақат амалиётчи бўлишнинг ўзи камлик қилиши барчага яхши маълум.

Маҳмуд Замахшарий луғатларининг тадқиқотчиси филология фанлари номзоди Ў. Қориевнинг ёзишича, Маҳмуд Замахшарий араб мақолларини йиғиб, "Ал-Мустақсо фи амсоли-л-араб" номли луғат ҳам тузган. Ҳозирги кунда Миср Араб Республикасининг "Дору-л-кутуб" уйида (20578, "Адаб" рақами билан) Замахшарийнинг шу луғати сақланмоқда. Қўлёзма луғатининг биринчи жилди 1917 та, иккинчи жилди эса 1544 та мақол ва ибораларни ўз ичига олган. Луғат насх хатида ёзилган, 73 бобдан иборат"[2]. Мазкур луғатда араб мақол ва масаллари алифбо тартибида йиғилган.

Араб лексикографияси Шарқ (Эрон, Туркия, қисман Ҳиндистон) халқларининг ҳам, Европа халқларининг ҳам лексикографиясига катта таъсир кўрсатган. Араб луғатшунослиги мактаблари, уларда тузилган луғатлар ва, айниқса, Маҳмуд Замахшарийнинг луғатлари ҳозирги замон илм-фани, лексикология ва лексикографиясининг ривожланишида мустаҳкам асос бўлган.

[1] История лингвистических учений. Средневековый Восток. – Л., 1981. – С. 93.

[2] Қориев Ў. Абулқосим Замахшарий луғатлари // Мулоқот, 1997. № 1. 49-б.





# "МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ" АСАРИДАГИ ТУРКИЙ СЎЗЛИКНИНГ ГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

***МИРЗИЯТОВ ШУҲРАТ***

*Катта илмий ходим-изланувчи, ТошДШИ*

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада Маҳмуд Замахшарийнинг "Муқаддамату-л-адаб" асаридаги туркий сўзликлар илмий жиҳатдан ўрганилиб, мазкур сўзликларнинг график хусусиятлари батафсил келтирилган .*

***Таянч сўз ва иборалар:*** *сўзлик, график хусусият, қўлёзма, "Ёзгат" нусха, товуш, ҳаракат, ҳарф.*

***Аннотация.*** *В данной статье изучаются слова тюркского происхождения в произведении Замахшари «Мукаддамату-л-адаб» и подробно приведены их графические особенности.*

***Опорные слова и выражения:*** *словник, графическое свойство, рукопись, копия «Язгат», звук, харакат (подвижность), буква.*

***Summary.*** *In this article the author envestigates Turkic words and phrases (vocabulary) in the work of "Muqaddimat ul-Adab" by Makhmoud Zamakhshary from scientific point of view and proposes their graphical features.*

***Keywords and expressions:*** *vocabulary, graphical feature, manuscript, the copy of the work "Yozgat", voice, opostorphe, letter*

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг бой илмий меросимизни ўрганиш соҳасида турли фанлар қатори тилшунослик, адабиётшунослик, луғатшунослик ҳамда шарқшуносликка оид қўлёзма манбаларни ўрганиш, тадқиқ этиш учун кенг имкониятлар эшиги очиб берилди. Айнан шу йилларда кўплаб буюк аждодларимиз қатори Маҳмуд Замахшарийнинг асарлари ҳам ўрганила бошланди.

Мустақилликка қадар Маҳмуд Замахҳшарий илмий мероси кам ўрганилган. 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маҳмуд Замахшарий таваллудининг 920 йиллигини нишонлаш ҳақида қарори алоҳида аҳамият касб этди. Халқимиз ва кенг жамоатчиликни бобокалонимизнинг ҳаёт-фаолияти, илмий мероси билан таништиришда А. Рустамов, У. Уватов, З. Исломов, М. Ҳакимжонов, М. Носирова, Н. Сулаймонова каби олимларимизнинг илмий-тадқиқот ишлари, монография, рисола ва туркум мақолалари диққатга сазовор ишлардан ҳисобланади.

Маҳмуд Замахшарий илмий меросининг таҳлили, унинг асосан ижтимоий соҳаларда, чунончи, адабиётшунослик, тилшунослик, луғатшунослик, аруз, нотиқлик санъати, шеърият, мантик, география, фалсафа ҳамда диний илмларни ўз ичига олган асарларида кўринади. Маҳмуд Замахшарий асарларининг кўпчилиги адаб илмининг турли масалаларини ўрганишга йўналтирилган. Бугунги кунда унинг қаламига мансуб турли соҳалардаги 70 дан ортиқ нодир асарлари мавжудлиги маълум. Маҳмуд Замахшарийнинг чуқур билими, буюк даҳоси ва фаннинг турли соҳаларга оид ўлмас асарлари у ҳаётлик пайтидаёқ бутун мусулмон Шарқида унга бетакрор шуҳрат келтирган.

Маҳмуд Замахшарийнинг кўплаб асарлари қаторида унинг тилшунослик, луғатшуносликка оид "Муқаддамату-л- адаб" асари алоҳида ўрин тутади.

1921 йилда Садриддин Айний "Меҳнаткашлар товуши" газетасида ёзган мақоласида Маҳмуд Замахшарийнинг "Муқаддамату-л-адаб" асари ўзбек тили учун бутун дунёнинг хазинаси билан баробар деб, унинг ижодига эътибор беришга чақирган эди.

Ушбу асарнинг арабий-форсий, арабий-форсий-туркий, арабий-форсий-туркий- мўғу-

лий сўзлик киритилган қўлёзмалари дунёнинг турли мамлакатлари фондида сақланмоқда.

Ушбу асар юзасидан ҳам устозларимиз З. Исломов, М. Ҳакимжоновлар томонидан номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Мақола "Муқаддамату-л-адаб" асарининг арабий-форсий-туркий сўзлик киритилган дунёда мавжуд нусхалар ичида ўзининг энг қадимийлиги билан қимматли "Ёзгат" нусхасидаги имло хусусиятлари ҳақидадир. Ушбу қўлёзма асар хотимасидаги ёзувга кўра, хижрий 655, милодий 1257 йилда Хоразмлик котиб Иброҳим бин Маҳмуд сўфи Муазза қўли билан китобат қилинган. Ушбу қўлёзма XII–XIII аср туркий тили, лексикаси, унинг семантик, грамматик хусусиятлари ҳамда ўрта аср туркий тилига мансуб бўлган сўзлик ва унинг график хусусиятларини очиб беришлиги билан характерланади. Ушбу нусхадаги туркий сўзликнинг графикаси кейинги асрларда китобат қилинган бошқа қўлёзмалардаги имло қоидаларидан бир қанча ўзига хосликлари билан ажралиб туради.

"Муқаддамату-л-адаб"нинг ўрганилган барча қўлёзмаларида туркий сўзлик тўлиғича арабий услубда берилган. Уларда жумлалардаги кетма-кетлик араб тилига мослаштирилган. Масалан, араб тилидаги سجر التنور – *сажара ат-тану:ра* ибораси ТІ нусхасида **قيز يتتى تنورنى** – *қызытты тануры* (ТІ.196а.), ТІІ ҳамда ТІІІ нусхаларда **قزيتى تنورنى** – *қызытты тануры* (ТІІ.32 а, 5;ТІІІ.30б.9) шаклида берилган. Тадқиқ этилаётган манбада ушбу ибора **تمدورنى اوتاندى** – *тамдурны отанды* (121б.2) тарзида берилган.

Арабча **عر الرجل** – *шаъара ар-ражулу* ёрдамчи нусхаларда **وشوق ايتى ايرى** – *қошуқ айитты эр* (ТІІ. 32б.6; ТІІІ 31а.6) шаклида берилган. Ёзгат нусхасида ушбу ибора **آر شعر ايدى** – *эр шеър айды* (122а.3) маъносида берилган.

Демак, "Муқаддамату-л-адаб"нинг Ёзгат нусхасида айнан туркий сўзликка алоҳида эътибор қаратилган ва туркий жумла тузилиши анъанага асосланган.

Ёзгат нусхасининг ўзига хослиги туркий сўзликка, айниқса, талаффуз қоидаларига алоҳида эътибор қаратилганлиги билан ажралиб туради. Қадимий даврга мансуб туркий тилдаги қўлёзмаларда айрим истисно ҳолатларни инобатга олмаганда сўзлар ҳаракатсиз – зеру забарсиз ёзилган. Лекин "Муқаддамату-л-адаб"да туркий сўзларнинг ўқилишини, биринчи навбатда, тўғрилаш мақсадида матннинг турли ўринларида ҳаракатлар қўйилган. Ҳаракатларнинг берилиши барча сўзларда бир хил учрамайди.

(Е. 122а.3)**اشكى ليت شعرى** – *лайта шеъри – кашки билсадим*. Ибордаги *би* касраланган, *лом* сукунланган. Шу ҳаракатлар орқали сўз тўғри ўқилишига имкон яратилган.

(Е. 120а.5) **بنر البنر** – *базара ал-базра* – **اورغلق سجتى** – *уруғлуқны сачты*. Туркий **اورغلق** – шаклидаги сўзни *уруғлуқ, урығлық* кўринишида ўқиш мумкин. Қўлёзмадаги ҳаракатлар ушбу сўзни айнан уруғлуқ шаклида талаффуз қилишни кўрсатади. Чунки, "Муқаддамату-л-адаб"нинг мавжуд барча қўлёзмаларида юқоридаги қолипга риоя қилинган; қиёсланг:

(ТІ. 194а.3)**ساجتى اوروقنى** – *сачты уруқны*, (ТІІ. 31а.1)**سجتى اوروقنى يركا** – *сачты уруқны йэрга*,(В. 30а.6)**سجتى اوروقنى** – *сачты уруқны*.

Туркий сўзнинг бошидаги товушни аниқ кўрсатишга қаратилган ҳолатлар. (Е. 118б.3) **سمد** – *самада* – **ارلادى** – *ирлади*; қиёсланг:

(ТІ.192а.1)**ييرلادى** – *йырлади*, (ТІІ.29б.1) **ارلادى** – *ырлады*, (ТІІІ.29а.9) **ايرلادى** – *ырлады*.

(Е.116а.1)**نقب على القول** – *нақаба ъала-ал-қавл*, **ألغلق قيلدي بونون لار اوزا** – *улуғлуқ қылды бузунлар уза*. Жумла бошидаги алифнинг ҳаракати – дамма билан кўрсатиб ўтилган, қиёсланг:

(ТІ.188а.4) **اولغ بولدى ايلكا** – *улуғ бўлды элга*, (ТІІ.26б.5) **اولوغلوق قيلدي ارانلار اوزا** – *улуғлуқ қылди аранлар уза*, (ТІІІ. 28а.1) **اولوغ لوق قيلدي كيشى لار اوزا** – *улуғлуқ қылды кишилар ўза*.

Қиёсланган нусхаларнинг барчасида "улуғ" сўзининг унли товушлари ҳарф орқали ифодаланган. Бу ҳол ўрганилаётган қўлёзмада дамма ҳаракати орқали берилган.





Асардаги (Е.112б.3)**خوى النجم** – *хава-ан-нажму* **يُلدوز بتّى** – *йулдуз батты* сўзидаги биринчи у унлиси дамма ҳаракати орқали,**بتى** – *батты* феълидаги икки "т" ундоши ташдид билан, қисқа "и" касра белгиси билан ифодаланган, қиёсланг:

(ТІ.183а.3) **ياتتى يولدوز**, (ТІІ.23а.4) **توشتى توشدى يلدوز** (ТІІІ.26а.5) **يولدوز**,

Айрим сўзлар анъанавий шаклда бўлса ҳам, тўлиқ ҳаракатлар билан берилган. (Е.115а.7) **غَرَبَت الشَّمسُ** – *ғарабат-аш-шамсу*, **كُون بَتّى** – *кун батты* (Е.114б.5)**رسب في الماء** – *расаба фи-л-маи*, **بَتّى سُڤ ايچندا** – *батты сув ичинда*.

Юқоридаги иборалардаги *батты* феъли тўлиқ ҳаракатлар билан кўрсатилган. Қиёсланг: (ТІ.186б.1) **ياتتى سوغه** , (ТІІ.25а.7) **جوكتى سفقا** , (ТІІІ.27а.7) **بتى سفا**.

(Е.108б.4)**مرى** – *мара*, **گُمان ثَنّى** – *гумон тутти*. Қиёсланг:

(ТІ.177б.2) **سيزيك انقايلتى** – *сизик анқа илти*, (ТІІ.19а.6) **كمانقا توشتى** – *гумонқа тушди*, (ТІІІ.24а.3)**سيزندى** – *сизинди*.

Қўлёзма матнида асосан анъанавий туркий матнлардаги каби ундошларнинг берилиши қоидасига амал қилинган. Лекин қўш унли ва ундошларни ифодалашда араб тилидаги каби ташдид белгисини туркий сўзларда қўллаш ҳолати ҳам учрайди. Масалан, (Е.113а.3) **مضى لطيته** – *мада латийатаҳу*, **نِيّتى تبابردي** – *ниййати тапа барды*. Қиёсланг: (ТІ.184а.2) **نيت قيلغان بيركا ياردى**, (ТІІ.26б.1) **يردى حاجتيفا** .

Қўлёзма матнида "г" товушини ифодалаш учун "ڭ" ҳамда "ك" шакллар қўлланилган. Масалан: **يتيڭ قليچ** – *етиг қилич*, **منڭوا اينكان** – *мангу ингон*.

Матнда "в" товушини ифодалаш учун эса "ۋ" ҳамда "ڤ" шакллар қўлланилган. Масалан: **اۋجي** – *авчи*, **سڤلوغ يغورت** – *сувлуқ яғурт*.

П товуши эса "ب" ҳамда "پ" шаклларида қўлланилган. Масалан:**كڤاج كا پشمش ات** – кувачга пишмиш эт. **بوستين دوز** -пўстин дўз.

Ж товуши эса ژ шаклида берилган. Масалан: **نژداغ** -ниждоғ ва бошқалар.

Демак "Муқаддамату-л-адаб" "Ёзгат" нусхасидаги туркий сўзлик қатламини ўрганиш, унинг XII-XIII асрларга мансуб эканлигини кўрсатади. Қўлёзмадаги туркий сўзликнинг график хусусиятлари сифатида қуйидагиларни хулоса қилишимиз мумкин:

1. "Ёзгат" нусхасидаги туркий сўзлик бирикмаларида аввал от кейин эса кесим кўйилган. Бошқа қўлёзма нусхаларида эса аввал феъл кесим кейин эга қўйилганлигини кўриш мумкин.

2. Ушбу қўлёзмада бошқа қўлёзмаларда учрамайдиган яъни ундош харфлар устида касра, дамма, ташдид белгилари қўйилган. Бу эса туркий сўзларни тўғри ўқилишини таъминлаган.

3. "Муқаддамату-л-адаб" асарининг "Ёзгат" нусхасидагина **В** товуши ۋ ҳамда ڤ шакли, **Г** товушини ифодалаш учун ڭ ҳамда ك шакли, **П** товуши эса ب ҳамда پ шаклида, **Ж** товуши эса ژ шаклида, **З** товуши эса ز،ذ،د шаклларида берилганлигини кўрамиз.

## ПАУЗАЛ ШАКЛНИНГ ФОНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

***ҚОСИМОВА САРВИНОЗ***
*Катта ўқитувчи, ТошДШИ*

***Аннотация.*** *Мазкур мақолада араб тили талаффузидаги паузал шакл ўрганилади. Унда Мовароуннаҳр тилшунослари тадқиқотлари асосида олиб борилган таҳлиллар натижасида "сўзларнинг паузал шакли" мавзуси мақсад қилиб олинади. Мақолада Замахшарийнинг грамматик асаридаги паузал шаклнинг фонологик хусусиятлари тадқиқот учун танлаб олинди.*

***Таянч сўз ва иборалар:*** *паузал шакл, фонологик хусусият, эъроб, сукун, редукия, метатеза, палатализация.*